

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЛОВА ГУЛШАТ АҒЫТАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚОЗОҚЛАРИ ЭТНОГРАФИЗМЛАРИНИНГ**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**  
**(қозоқ тили)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Адилова Гулшат Ағытаевна**

Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларининг

лингвомаданий таҳлили..... 3

**Адилова Гулшат Ағытаевна**

Лингвокультурологический анализ этнографизмов

Каракалпакстанских казахов ..... 23

**Adilova Gulshat Agitaevna**

Linguacultural Analysis of Ethnographisms of the Kazakhs

in Karakalpakstan ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЛОВА ГУЛШАТ АҒЫТАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚОЗОҚЛАРИ ЭТНОГРАФИЗМЛАРИНИНГ**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**  
**(қозоқ тили)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маъкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil398 билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдиназимов Шамшетдин Нажимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гульгайша Сағидолла**  
филология фанлари доктори, профессор  
(Қозоғистон)

**Пирниязова Алима Худияровна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Fil20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «32» октябр куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (7 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2018 йил «5» октябр да тарқатилди.

(2018 йил «5» октябр даги 3 рақамли реестр баённомаси)



**М.С.Қудайбергенов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, филол. ф. д. профессор

**Т.А.Керуенов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. д. (DSc)

**А.Альниязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси вазифасини бажарувчи, филол. ф. н.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон филологиясида сўнги йилларда миллий тилларни халқ маданияти, маънавий қадриятлари, ўзига хос тафаккур тарзи ва тарихий анъаналари билан боғлаб тадқиқ этиш тамойилининг етакчи назарий концепцияга айланиб бораётганлиги тилшунослик фанида антропоцентрик парадигма, когнитив лингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, этнолингвистика соҳаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳар бир халқ тилини тўлиқ, ҳақиқий маънода билиш учун тилнинг ички қонуниятларини аниқлашнинг ўзи етарли эмас, унинг асосий манбаи ўша тилда сўзлашувчи этноснинг ривожланиш тарихи, кундалик ҳаётида шаклланган анъанавий маданияти, маънавий олами ва бадий тафаккури билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам халқ дунёқараши ва маданиятини тил билан боғлиқ тарзда тадқиқ қилиш ўзликни ифода қилишнинг оғзаки шакли ҳисобланган тилнинг миллий моҳиятини аниқлашда асосий мезони саналади. Тил орқали шаклланган миллий маданиятнинг манбаи эса этнографизмлар бўлиб, ҳар бир миллатга хос лингвомаданий хусусиятлар этнографик лексикада намоён бўлади.

Ҳозирги замон дунё тилшунослигида ҳар бир халқ тилининг миллий ўзига хослиги акс этган луғавий бирликлар асосан этносемантик, антрополингвистик ва этнолингвистик йўналишларда тадқиқ этилмоқда. Натижада муайян ҳудудга мансуб этнографизмлар ўша жойда шаклланган моддий ва маънавий маданиятнинг семиотик, яъни рамзий тили эканлиги аниқланди. Этноснинг моддий ва маънавий маданиятини ижтимоий контекста ўрганиш асосида этнографик лакуналарни умуммиллий (этник), ҳудудий ва диалектал типларга бўлиб таснифлаш имкони юзага келди. Тил, этнос ва маданиятнинг яхлит тизим эканлигини исботлаган бундай замонавий тадқиқотларнинг хулосалари ва илмий-назарий концепциялари туркий тиллар этнографик лексикасини, шу жумладан, Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларини тарихий-ретроспектив ва қиёсий-типологик усулларда кенг кўламда тадқиқ этишга асос бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Республикада истиқомат қилаётган барча халқларнинг тили, моддий ва маънавий маданияти, фольклори ва урф-одатларини сақлаб қолиш, анъанавий меросни янада ривожлантириш, қадриятларни тадқиқ ва тарғиб этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Тилшунос олимлар томонидан икки ва кўп тилли луғатларнинг яратилиши, изоҳли, этимологик ва терминологик луғатлар юзага келганлиги, шеваларнинг лексик, морфологик ва фонетик хусусиятлари чуқур ўрганилганлиги диалектал лексиканинг ҳудудий хоссаларини аниқлаш тамойилларини мукаммаллаштирди. Айниқса, мамлакатимизда яшовчи қозоқ, тожик, туркман ва қирғизларнинг тили ва фольклорини ўрганиш халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, «Биз жаҳондаги барча давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз бўлган Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар билан яхши қўшничилик ва ўзаро дўстлик алоқаларини ҳар

томонлама мустаҳкамлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз».<sup>1</sup> Шу боис, ўзининг моддий ва маънавий маданиятида қозоқ миллатига хос бўлган асосий белгиларни сақлангани ҳолда узоқ даврлар мобайнида ҳудудий-ареал хусусиятлар касб этган Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларини лингвомаданий аспектда тадқиқ этиш ғоят муҳимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 22 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 2909-сонли қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жанубий Оролбўйи қозоқларининг тарихи, этнографияси, этник гуруҳи ва тилининг ўзига хосликларини тўплаш ва тадқиқ қилиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган. Бу даврларда Қозоғистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари А.Қуришжанов, С.Омарбеков, Қ.Ўмиралиев, О.Нақисбеков, Б.Исқақов, А.Махмутов, Н.Жунисов, Б.Бекетовлар махсус экспедицияга чиқиб, Қорақалпоғистонда яшаётган қозоқлар тарихи, этнографияси, оғзаки адабиёти ва тили билан боғлиқ кўп материаллар тўплади<sup>2</sup>.

Ўзбек тилшунослигида этнографик лексика ва ҳудудий ўзига хослиги масаласи анча чуқур ўрганилган. Н.Мирзаев «Ўзбек тилининг этнографик лексикаси» (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида, 1971), А.Жўрабоев «Ўзбек тилидаги тўй маросимлари билан боғлиқ атамалар (Андижон шевалари материаллари асосида, 1971), З.Хусайнов «Ўзбек тилида тўй маросимлари атамаларининг ономасиологик тадқиқи» (Бухоро шевалари материаллари асосида, 1984), Й.Бобожоновнинг «Жанубий Хоразм этнографик

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.8.

<sup>2</sup> Құрышжанов Ә., Махмутов А. Қазақ тили тарихы менен диалектологиясының изертленіуі ҳаққында // Совет Қарақалпақстаны. – Нукус, 1960, 16 август; Құрышжанов Ә. Қарақалпақ АССРында тұратын қазақтардың тіліндегі кейбір ерекшеліктері // Қазақ тілі тарихы мен диалектологиясы мәселелері. – Алматы, 1963; Жүнісов Н. Халық тілінің жергілікті ерекшеліктері (Қарақалпақстандағы қазақ говоры материалы негізінде). – Алматы, 1981; Бекетов Б. Қарақалпақ қазақтарының тілі (Қарақалпақстан Республикасының оңтүстік аудандарындағы қазақ тілі говоры). – Алматы: Рауан, 1992.

лексикаси» (1997), М.Қаҳҳорова «Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи» (2009), Х.Бердиевнинг «Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси» (2017) ва бошқа тадқиқотларни кўрсатиш мумкин.

Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида учрайдиган этнографизмлар А.Ишаев ва Э.Уразов ишларида тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Қорақалпоқ тилидаги баъзи этнографизмлар тўғрисидаги маълумотларни Қ.Айимбетов, Т.Бегжанов, Д.С.Насиров, О.Доспанов, Ш.Абдиназимов, Г.Қарлибаеваларнинг ишларида ҳам кузатиш мумкин<sup>4</sup>.

Қорақалпоғистондаги қозоқлар тилида этнографик лексиканинг ҳали махсус ўрганилмаганлиги ушбу масала бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш заруратини асослайди. Маҳаллий қозоқлар алоҳида тил муҳитида яшайди. Уларнинг тили – умумхалқ миллий тилнинг бир қисми, қўшни қорақалпоқ ва ўзбек халқлари тилларининг таъсирига учраган қозоқ тилининг бир кўринишидир. Урф-одат билан боғлиқ лексика эса, аввало, умумтуркий тиллар қатлампидан, ўз ва ўзлашма сўзлардан ташкил топган. Шу билан бирга, бу қатламларнинг диалектал шакллари ҳам учрайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Қорақалпоғистондаги қозоқлар тили ва адабиёти масалалари», «Ҳозирги филология фанининг муҳим масалалари» мавзусидаги илмий дастурлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмларнинг шаклланиш тарихи ва ўзига хос лингвокультурологик хусусиятларини очиб бериш, этнографик лексиканинг моддий ва маънавий маданиятни акс эттирувчи этномаданий мазмунини ёритишдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистонда яшовчи қозоқларнинг турмуш тарзи, моддий ва номоддий маданий мероси билан боғлиқ этномаданий тил материалларини тўплаш ва уларнинг диалектал лексика тизимида тутган ўрнини белгилаш;

худуд қозоқлари тилидаги этнографик лексиканинг тарихий асослари, манбалари, шаклланиши жараёни ва диалектал лексика тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

этнографизмларнинг шаклланиши билан боғлиқ тарихий манбаларни ўрганиш, шу орқали Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларининг тавсифи, ўзига хослиги, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, этнолексик бирликларни мавзувий гуруҳларга ажратиш;

<sup>3</sup> Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977; Уразов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1978.

<sup>4</sup> Доспанов О. Қарақалпақ тили кубла диалектиниң лексикасы. – Нөкис, 1977; Диалектная лексика каракалпакского языка. – Нукус, 1980; Бегжанов Т. Қарақалпақ тили диалектологиясының мәселелеринен. – Нөкис, 1971; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988; Насыров Д.С., Доспанов О., Жумашев Х. Об этнографической лексике каракалпакского языка // Ўзбекистан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлиминиң Хабаршысы. – Нөкис, 1987. – №1. – Б.84-87; Абдиназимов Ш. Бердақ шығармалары тили. – Тошкент: Фан, 2006.; Лингвофольклористика. – Нөкис: Билим, 2018; Қарлыбаева Г. Әжинияз шығармалары тилинің семантика-стилистикалық өзгешеликтери: Филол. илим. докт. ... дисс. – Нөкис, 2017.

урф-одатларни ифодалайдиган диалектизмлар ва уларнинг турли шакллари халқ оғзаки сўзлашув тили ва бадий асарлардан тўплаб, системалаштириш, лингвистик тавсиф бериш;

этнографизмларнинг ҳудуд қозоқлари турмуш тарзига хос миллий анъана ва қадриятларни акс эттирувчи луғавий бирликлар эканлигини лингвокультурологик нуқтаи назардан изоҳлаш;

ҳудуд қозоқлари тилидаги этнографизмларни қозоқ ва қорақалпоқ тилларидаги этнографик лексика билан қиёсий ўрганиш асосида уларнинг ареал хоссаларини тавсифлаш;

этномаданий тил бирликларининг нутқ жараёнида кумулятив вазифа бажаришини ўрганиш ҳамда этнографизмларнинг функционал-семантик хусусиятларини ёритиш;

Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмларни тузилишига кўра турларга бўлиш ва ҳар бир типга мансуб луғавий бирликларнинг ареал тарқалишини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Қораўзак, Қўнғирот, Беруний ва Шуманай туманларида яшаётган қозоқлар тилидаги этнографизмлар танланган. Шунингдек, ўрганилаётган ҳудуддаги этнографизмларни тадқиқ қилишда маҳаллий оммавий ахборот воситалари, бадий асарлар ва луғатлардан манба сифатида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги миллий маданиятни ўзида акс этадиган этнографизмларнинг лингвокультурологик табиати, уларнинг лексик-семантик гуруҳлари, диалектал лексика ва адабий тилга муносабати ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларга қараб диахрон, синхрон, структур-функционал метод, компонент таҳлил, этимологик, тарихий-ретроспектив, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий тавсифлаш, баён қилиш ва фикрларни хулосалаш методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда биринчи марта Қорақалпоғистон қозоқларининг этнографизмлари шу ҳудудда яшаб келаётган халқнинг моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи, миллий урф-одат ва қадриятларини ўзида ифодаловчи диалектал лексик қатлам эканлиги исботланган;

таҳлилга тортилган этнографизмлар қозоқ тилидаги умуммиллий этнографик лексика билан тарихий-генетик жиҳатдан муштараклик касб этса-да, Оролбўйи лингвомаданий муҳитининг етакчи компонентлари – қорақалпоқ ва ўзбек тили таъсирида ўзгаришга учраб, локал хусусиятга эга лексик тизимга айланганлиги аниқланган;

ҳудуд қозоқлари тилидаги этнографизмлар лексик-семантик хусусиятларига кўра бола туғилиши ва унинг тарбияси, никоҳ ва дафн маросимлари, таом тайёрлаш ва овқатланиш билан алоқадор луғавий бирликларга, тузилишига кўра эса содда ва қўшма этнографизмларга бўлиниши асосланган;

этнографизмларнинг асосий қисми адабий тилда муқобили бўлмаган лексик бирликлардан иборат бўлиб, ўзининг этимологик асоси, сўз тузилиши ва лингвомаданий хусусиятига кўра қозоқ тили лексикаси тараққиётининг

қадимий даврига мансуб этномаданий атамалар эканлиги далилланган;

этнографизмлар фақат кумулятив ва номинатив вазифаларни бажарибгина қолмасдан, халқнинг бой маънавий ва моддий маданияти анъаналарини асраб-авайлаш, авлоддан-авлодга етказиш вазифасини ҳам бажариши асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

Қорақалпоғистондаги қозоқлар қардош ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари билан аралашиб, бирга ҳаёт кечиришлари сабабли уларнинг моддий ва номоддий маданияти, турмуш тарзи ва ҳўжалиги, урф-одат ва маросимлари билан боғлиқ этнографизмларда умумийлик мавжудлиги кўрсатиб берилган;

қозоқ тили этнографизмлари ўзининг лексик-семантик хусусиятларига кўра чақалокнинг туғилиши ва уни тарбиялаш, никоҳ ва оила муносабатлари, дафн ва таъзия маросимлари, овқатланиш ва меҳмон кутиш билан боғлиқ этнографик атамаларга бўлиниши асосланган;

тузилишига кўра содда ёки туб этнографизмларнинг тарихий илдизлари қадимги туркийлар тилига бориб тақалиши, дафн ва таъзия маросимларига оид этнографик диалектизмлар эса асосан араб ва форс тилларидан кириб келган ўзлашмалар негизида шаклланганлиги исботланган;

тадқиқ этилаётган ҳудуд аҳолиси шеvasидаги диалектал этнографизмлар қозоқ тили лексикасидаги этнолингвистик атамалар билан ўхшаш жиҳатлари кўп бўлса-да, бир ҳудуда ёнма-ён яшовчи қардош туркий халқлар – ўзбек, қорақалпоқ ва туркманлар тили таъсирида муайян ўзгаришларга учраб, локал тип сифатида шаклланганлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Қўлланилган усуллар, унда фойдаланилган назарий мълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва чиқарилган хулосалар тавсифлаш, баён қилиш, қиёсий, қиёсий-тарихий, тарихий методлар орқали асосланганлиги, назарий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий-назарий натижалари антропоцентрик йўналишдаги тадқиқотларни шакллантириш ва ривожлантириш, тил, этнос ва маданият масалалари юзасидан фундаментал тадқиқотлар олиб боришда, Оролбўйи минтақаси туркий халқлари тилидаги этнографизмларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишда, шунингдек, диалектология, тил тарихи, тарихий лексикология, лингвокультурология, семасиология ва этнолингвистика соҳаларини ривожлантиришда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот хулосалари ва материалларидан олий таълим муассасалари қозоқ филологияси йўналиши талабаларига «Ҳозирги қозоқ адабий тили», «Қозоқ тили тарихи», «Қозоқ тили диалектологияси» фанларини ўқитишда, шунингдек, «Қорақалпоғистон қозоқларининг тил хусусиятлари» мавзусида махсус курсларни ўқитишда, ўқув қўлланмалар яратишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, махсус курсларни ўқитишда қўлланиш мумкин. Шунингдек, дарслик, ўқув қўлланма, этнографик луғатлар тузишда ҳам диссертация материалларидан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини лингвомаданий аспектда тадқиқ этишга бағишланган диссертация иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўсинда жорий қилинган:

этнографизмларнинг шаклланиш тарихи ва этимологик асосини қадимги туркий ёзма ёдгорликлар билан қиёслаб ўрганиш натижасида олинган илмий-назарий хулосалардан ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги лойиҳа ишларини амалга оширишда фойдаланилган (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2018 йил 18 сентябрдаги 178/1-сонли маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ фольклори тилидаги этнографизмларнинг адабий тил ривожидagi ўрнини аниқлашга эришилган;

Қорақалпоғистонда истиқомат қилувчи қозоқларнинг анъанавий турмуш тарзи, хўжалик юритиш усуллари ва номоддий маданий мероси билан боғлиқ этнографизмларнинг этномаданий мазмунига доир тадқиқот материаллари И.В.Савицкий номидаги санъат музейида миллий ҳамда ўзлаштирилган этнографизмларнинг лингвомаданий маънолари бўйича кўргазма ва экскурс дарсларини ўтиш, шунингдек, илмий-назарий анжуманларда маъруза шаклида тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 23 майдаги 2-04/10/2-сонли маълумотномаси). Шу аснода, этнографизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий лексик-семантик типлари ва туркий халқлар тилидаги этнографик лексика билан муштарак жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар кенг жорий этилган;

халқ тилидаги урф-одат, дастурлар билан боғлиқ этнографизмлар, уларнинг лингвомаданий таҳлили бўйича илмий-назарий қарашлар Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2018 йил апрель ва май ойларидаги «Алтин аймақ» телекўрсатуви ва «Ата мекен» эшиттиришларини тайёрлашда амалиётга татбиқ қилинган. (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2018 йил 21 майдаги №01-02/221-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг илмий далилларга бой бўлиши таъминланган ва этнографизмларнинг халқ тилини бойитишдаги аҳамиятига доир илмий қарашлар жамоатчилик орасида кенг оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 халқаро ва 10 республика илмий-назарий анжуманда маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 илмий иш нашр қилиниб, улардан 1 ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 мақола, шундан, 8 таси республика ва 1 хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «**Қорақалпоғистон қозоқлари тили этнографизмларининг тарихий асослари ва шаклланиши**» деб номланиб, у икки қисмдан иборат. Биринчи қисми «**Этнолингвистика ва лингвокультурология соҳаларининг алоқаси ҳақида**» деб аталади. Бу қисмда тилшуносликда этнолингвистика ва лингвокультурологиянинг пайдо бўлиши, шаклланиш тарихи, тадқиқот объектлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўз юритилган. Ҳозирги тилшуносликда антропоцентриқ парадигмадаги тил орқали маданиятни билиш лингвокультурология соҳасидан олдин этнолингвистикада ўрганилган. Этнолингвистиканинг асоси америкалик олимлар Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф ва бошқаларнинг ишларидан бошланган. Рус тилшунослигида В.Воробьев, В.И.Телия, Е.М.Верещагин, В.Т.Костомаров, В.Маслова ва бошқалар тадқиқотлари лингвокультурологиянинг тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб шаклланишида ҳиссаси катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қозоқ тилшунослигида этнографизмларнинг назарий масалалари А.Т.Қайдаров, Е.Жанпейисов, М.М.Копиленко ва Ж.Манкееваларнинг ишларида ўрганилган бўлса, кейинчалик у алоҳида мавзувий гуруҳлар бўйича тадқиқ этилмоқда. Е.Жанпейисовнинг ишлари ўзининг назарий салмоғи, бой этнографик материали, кенг кўламли қиёсий, этимологик таҳлиллари орқали алоҳида ўрин тутди<sup>5</sup>. Шунингдек, М.Аўезов асарлари материаллари асосида қозоқнинг этномаданий лексикасини тарихий-этнографик нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган монографиясининг ўрни алоҳида<sup>6</sup>. Бу ишда моддий маданият, маънавий маданият, халқ ўлчови, қариндошлик ва оила муносабатлари билан боғлиқ лексикадан иборат қимматли материални таҳлил қилишда бошқа туркий тиллар манбаларидан ҳам кенг фойдаланилган.

Сўнгги пайтлардаги тадқиқотларда миллий тилни билишнинг асоси лингвокультурологиянинг тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланганлигини кўрсатади<sup>7</sup>. Лингвокультурологик фикр-мулоҳазаларнинг

<sup>5</sup> Жанпейисов Е.Н. «Абай жолы» эпопеясының тілі. – Алматы, 1976; Жанпейисов Е. Историко-этимологические заметки // Известия АН КазССР. Сер. филол. – Алма-Ата, 1980. – №1; Жанпейисов Е. Этнолингвистика // Ана тілі. – Алма-Ата, 1994. – №3. – 20 қаңтар.

<sup>6</sup> Жанпейисов Е.Н. Этнокультурная лексика казахского языка. – Алма-Ата: Ғылым, 1989.

<sup>7</sup> Смағұлова Г.А. Мағыналас фразеологизмдердің ұлттық-мәдени аспектілері. – Алматы: Ғылым, 1998; Күркебаев К.Қ. Қазақ тіліндегі өлшемдік атаулардың этнолингвистикалық сипаты: Филол. ғыл. канд. ... дисс. автореф. – Алматы, 2003; Жанпейисова С. Қазақ тілінің рухани-мәдениет лексикасы (ақын-жазушы шығармалары бойынша): Филол. ғыл. канд. ... дисс. автореф. – Алматы, 1996; Сейілхан А.Қ. Қазақ тіліндегі этнографизмдердің лингвомәденитанымдық мәні: Филол. ғыл. канд. ... дисс. автореф. – Алматы, 2001; Салқынбай А. Тарихи сөзжасам. – Алматы: Қазақ университеті, 1999; Сейсенова А. Лингвистикалық мәдениеттану: этикет формаларын салыстырмалы талдау: Филол. ғыл. канд. ... дисс. автореф. – Алматы, 1998; Тұрышев А.Қ. Мәшһүр Жүсіп Көпеев шығармалары лексикасының этномәдени негіздері: Филол. ғыл. докт. ... дисс. автореф. – Алматы, 2008.

асосига таянган ҳолда, халқ ҳаёт тарзининг донолиги халқ яшаган маданият, тирикчилиги ва турмушини шакллантирган қарашларнинг тил қудрати орқали тарих, маданият, адабиётда акс этганлигини эътироф этиш мумкин.

**«Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмларнинг этимологик ва лингвомаданий хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобнинг иккинчи қисмида Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмлар этимологик, лингвомаданий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ишнинг ушбу қисмида Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги фаол қўлланиладиган *сўйинши, шиллеҳана, сәўкеле, наўрыз* каби этнографизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари ўрганилган.

*Сўйинши* – умумхалқ этнографизми. Бу лексеманинг «қувончли хабар етказувчига бериладиган совға» деган маъноси туркологлар асарларида келтирилган. В.В.Радловда «*сўйинши* – яхши хабар учун бериладиган» (IV т. 802), Л.Будагов олтой, қирғиз тилларида «*сугуншь*: қувонч, қувончли; а) яхши хабар айтгани учун бериладиган совға» маъноларида учрашини таъкидлайди (Л.Буд.1.652). Маҳаллий қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек халқларининг барчасида ҳам суюнчининг миқдори катта. Улар қувончдан молини аяшмаган. Суюнчини одатда, ёш болалар, аёллар, ёшлар сўрашади. Масалан: *Елдегі есен болса азаматым, Беремін сўйиншиге жалғыз атым. Сўйиншиңе беремін отыз манат шамасы* (Қарақалпақстандағы қазақ ақын-жырауларының мұрасы). Қозоқ халқининг алоҳида психологиясидан бири - унинг сахийлиги, *сўйинши* унинг бир кўриниши саналади.

Қозоқ халқи дастурида олдин мавжуд бўлган *қынаменде, урын барыў, тоқым қағыў, көрпе қыймыллатар* каби этнографизмлар маҳаллий қозоқлар тилида ҳозир мавжуд эмас. Бу дастурлар кўшни халқларда ҳам учрамайди. Уларни фақат фольклор асарлардагина учратамиз.

Иккинчи боб **«Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмларнинг лексик-семантик гуруҳлари»** деб номланади. Бу бобда Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги этнографизмлар семантик парадигма асосида системалаштирилиб, маълум мавзувий гуруҳлар атрофида бирлаштирилди. Бунда энг катта парадигмани ташкил қиладиган ҳодисалар - чақалоқнинг дунёга келиши, никоҳ дастурлари, дафн қилиш маросимлари билан боғлиқ этнографизмлар. **«Чақалоқнинг дунёга келиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ этнографизмлар»** деб номланган иккинчи бобнинг биринчи қисмида Қорақалпоғистон қозоқлари тилида қўлланиладиган *қурсақ той, жарысқазан, шиллеҳана, бесикке салыў, тусаў кесиў, сүннет той, айдар той, тил ашар, аласлаў, жийенлик этиў* ва бошқа этнографизмларга лингвомаданий тавсиф бериледи.

Боланинг, хаттоки, она қорнидаги вақти билан боғлиқ халқнинг урф-одат, дастурлар тизимининг энг дастлабкиси *қурсақ той* ҳисобланади. Қорақалпоғистондаги қозоқлар уни *қарын шашыў* дейишади. Ёш келинчакнинг ҳомиладор эканлиги маълум бўлганда, овсинлари ва қайнсингилларининг ўзаро базми саналиб, базмнинг асосий мақсади эсон-омон туғиб, соғлом фарзандни дунёга келтириш.

*Жарысқазан/қазан жарыс* – аёл туғиши пайтида ўтказиладиган ирим. Буғдойни ковуриш учун қозонга солиб: «Буғдой олдин пишар эканми, бола олдин тушар эканми», - дейишади. Шу пайт биров: «Бола олдин тушади», - деб айтади. *Жарысқазан/қазан жарыс* шаклларида қўлланиладиган, қозоқлар худудида кенг истеъмолда бўлган лингвокультурема. Қозоқ тилининг изоҳли луғатида *жарыс* сўзининг «пойга, от чопиш, спорт мусобақаси» маънолари билан боғлиқ ҳолда, шу билан бирга «Ҳомиладор аёлнинг қийналмай туғиши билан боғлиқ ирим<sup>8</sup>» деб изоҳланган. «Қозоқ тилининг худудий луғати»да: Урал, Шимолий Қозоғистон, Омск вилоятларида, Мўғул қозоқларида «аёл туғиши олдидан овсинларнинг ирим қилиб пишириб ейдиган овқати (ҚТАС,242-б.).

*Шиллеҳана* – чақалокнинг дунёга келиш қувончини нишонлаш дастури. Дунёга келган чақалокни одам руҳига ёт иллатлардан асраш учун *шиллеҳана* ўтказилади. *Шиллеҳананин*г маъноси чақалокни ёмон нарсалардан асраш ва ёмонлик қуршовида қолдирмаслик ҳисобланади. Чилла даврида махсус кунлар белгиланиб, туғилган боланинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеаларни белгилашган ва унга мувофиқ маълум дастурлар шаклланган. Бола туғилганидан кейин уч ёки беш кун ўтгандан сўнг боланинг киндиги тушади, ундан кейин болани биринчи марта чўмилдиришган. Етти ёки тўққиз кундан кейин болани бешикка белашган. Қирқ кун деганда чилла тугайди. Шундан сўнг боланинг бўйни қотиб, қўл-оёқларини қимирлатиб, овозни, ёруғликни сеза бошлайди. Чилла даври эсон-омон ўтса, уни нишонлаб, *қырқынан шығарыў* дастурини ўтказишган.

*Бесикке бөлеў* ёки *бесикке салыў*. Бола туғилгандан сўнг беш-олти кундан кейин уни бешикка белашган ва аёллар йиғилишиб *бесикке салыў* дастурини амалга оширган. Янги туғилган чақалокни бешикка солиш ҳам халқимиз учун маълум дастурлардан бири. Қозоқ дастурида болани бешикка белаш катта тўй, қувонч ҳисобланиб, у иримларга бой бўлади.

Бешик – туркий халқларда жуда қадим замонлардан буён қўлланилиб келаётган хосиятли буюм. Янги туғилган чақалокни бешикка солиш халқимиз учун алоҳида дастурлардан бири. Махмуд Кошғарий луғатида, яъни XI асрда бешик атамаси мавжуд эканлиги қайд этилган. Луғатда «бэшик», «бала бешиги», «бешик» сўзлари келтирилган<sup>9</sup>. «Бешик» атамасининг келиб чиқишини «беш» рақами билан боғлаш ҳам учрайди, яъни беш рақамига от ясовчи *-ик* қўшимчаси қўшилиши орқали бешик атамаси пайдо бўлган. Бола туғилгандан кейин беш кундан сўнг бешикка белаш дастури ўтказилади<sup>10</sup>.

Бешикнинг ясалишига қараб уни ташкил қиладиган асосий беш ёғочга нисбатан «бес уўық» сўзидан ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин. Сабаби қозоқ халқи асосан бешикнинг икки туридан фойдаланишган. Унинг эрта даврда пайдо бўлган тури *аспалы бесик* деб аталади. *Аспалы бесикни* ясаш учун беш терак керак бўлади. Бундай бешикни кўчманчилик даврида уўықдан (увуқ)

<sup>8</sup> Қазақ тілінің түсіндірме сөздігі. Т.ІІ. – Алматы: Ғылым, 1976. – Б. 270.

<sup>9</sup> Әдеби жәдігерлер: Махмұт Қашқари. Түрік сөздігі. 20 томдық. Т.ІІ. – Алматы: Таймас, 2007. – Б. 466.

<sup>10</sup> Қурбанова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.18.

ясалган бўлиши мумкин. Кейинчалик *бес уўық-бесық-бесик* тарзида шаклланган бўлиши ҳам мумкин.

*Тусаў кесиў* – энди юришни бошлаган боланинг оёғига ола ип боғлаб кесиладиган дастур. Бу дастур халққа қадимдан маълум бўлиб, боланинг ўсиши ва илк қадам ташлаши билан боғлиқ кенг тарқалган урф-одатлардан бири. Бунда боланинг юргандан кейин «кўп қоқилмасин, йўли очиқ бўлсин, оёғи тушовланмасин» деб икки оёғига ола ип боғлаб кўйишади. Ёш боланинг қадамини босиб юра бошлаши «тэй-тэй» лексемаси орқали ҳам ифодаланади.

Маҳаллий қозоқ, қорақалпоқ халқлари ола ипга нисбатан илоҳий деб қараб, алоҳида эътибор қаратишган. *Биреўдиң ала жибин атламаў* деган ибора кишига хиёнат қилмаслик маъносига кўлланилади. Одамларнинг бир-бирини кўрмас бўлиб аразлашини тасвираб *ала жипти кесисти* дейилади, яъни *тусаў кесиў* дастурида ола ипдан фойдаланиш бола улғайганда бировнинг ола ипидан сакраб ўтмасин, хиёнат қилмасин деган ниятни ифодалайди. Иккинчидан, дунёнинг ўзгариб, кун ва туннинг алмашилини, ҳаётнинг оқ ва қораси, яхшилик ва ёмонликнинг алмашилини туришини билдирган.

Қозоқларда чақалоқнинг дунёга келиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ халқнинг бир неча асрлик тажрибаси ва қадимий эътиқодларга асосланган турли дастур ва урф-одатлари шаклланганлигини кўрамиз. Улардан кўпчилиги Қорақалпоғистон қозоқлари тилида маҳаллий қорақалпоқ, ўзбек тиллари таъсирида баъзи ўзига хосликлари билан ишлатилади.

**«Никоҳ маросими билан боғлиқ пайдо бўлган этнографизмлар»** деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи қисмида маҳаллий қозоқлар тилидаги никоҳ билан боғлиқ маросимларни қуда тушмоқ, никоҳ тўйи ва тўйдан кейинги маросимларни билдирадиган этнографизмларга ажратиб, уларнинг лингвомаданий маънолари таҳлил қилинди. Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги никоҳ маросими билан боғлиқ этнографизмларга *саўшы жиберуў, қуда түсиў, алдынан өтиў, қалыңмал, кийит, сарпай, сеп, урын барыў, тәп берди, қуўғыншы, өли-тири, көримлик, отқа қуяр, ийт ырылдатар, кемпирөлди, зәңги басар, беташар, тойана, қәтқуда* ва бошқа сўзлар киради.

Қозоқ халқи ҳаётида ўғлини уйлантиришнинг энг кенг тарқалган дастурларидан бири бу *қуда түсип, қалың мал беруў*. Қозоқларда *қуда түсиў*нинг қуйидаги турлари ҳам бўлган. Масалан, икки ўртоқнинг аёллари бир пайтда ҳомиладор бўлиб қолган бўлса: «агар сенинг аёлинг қиз туғиб, менинг аёлим ўғил туғса, икковимиз қуда бўлайлик» деб ҳали дунёга келмаган болаларини бир-бирига атаб кўйишадиган бўлган. Атаб кўйиш Ўрта Осиё халқларида учрайди. Бундай қуда тушишни қозоқ адабий тилида *бел қуда, ежегабыл*<sup>11</sup> деб аташади. Қуда тушишнинг бундай тури туркман ва қирғиз халқларида ҳам бўлган<sup>12</sup>. Буни қирғизларда *бел қуда*<sup>13</sup>, қорақалпоқларда *ақлай қуда*<sup>14</sup> деб номлашади.

<sup>11</sup> Қазақ тілінің түсіндірме сөздігі. Т.ІІ. – Алматы: Ғылым, 1976. – Б. 243.

<sup>12</sup> Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971. – С. 223; Джумагулов А. Семья и брак киргизов Чуйской долины. – Фрунзе, 1960. – С. 31.

<sup>13</sup> Киргизско-русский словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1965. – С. 394.

<sup>14</sup> Каракалпакско-русский словарь. – М.: ГИИНС, 1958. – С. 406.

*Қалың* лексемасы этнографик термин сифатида кўпгина туркий тилларда қўлланади. Унинг этимологияси тўғрисида бир қанча фикрлар мавжуд. *Қалың* Маҳмуд Кошғарий луғатида «қалың мал» маъносида, шунингдек, «*Қалың берсе, қыз алыр, керек болса қыз алыр*» (Қалың берсе қыз алар, керек болса, қымбатқа алар) мақоли келтирилган<sup>15</sup>. Л.Будаговда *қалың, қалың мал* этнографизмлари татар, қирғиз ва олтой тилларида «сеп ёки қалин пули» ва олтой тилида *қалың* «маълум қимматли нарсага тўлов, баҳо, товарнинг баҳоси»; чигатой тилида *қалың* никоҳ тўйида қудалик учун юбориладиган пул» маъноларида қўлланилган (Л.Буд.,23-25б.). А.Т.Қайдаров *қалың* сўзининг келиб чиқишини қал феъли билан боғлайди: *қалың* <қал+ың:~мал, калым, қалыңдық<қал+ың+дық<sup>16</sup>.

*Саўшы жиберуё*. *Саўшы* – куёв йигит томонидан қизнинг уйига уни сўраб борадиган вакил. Айнан шу маънода ўзбек (*совчи*), татар (*яучы*), чуваш (*йевче*) ва бошқа туркий тилларда ҳам ишлатилади. *Саўшы* сўзи - тилимиздаги энг қадимий сўзлардан бири. Маҳмуд Кошғарий луғатида *саб* сўз деганни билдириш билан бирга, а) *нақл-мақоллар*; б) *ҳисса*; в) *ҳикоя*; г) *хат, хабар, китобча*; д) *хабар* каби семаларни ва *савшы* шаклида «элчи, қиз-куёвлар, қудалар ўртасида келиб-кетиб, хат-хабар етказиб, элчилик қиладиган одам<sup>17</sup>» маъносида изоҳланган.

*Тәп берди* – олиб қочиб кетилган қизнинг изидан икки-уч янгаси келиб, хабар олиб кетиши билан боғлиқ қўлланиладиган этнографизм. Маҳаллий халқлар тилида кўп учрайдиган *тәп берди* этнографизми бировга жаҳл қилиш, қаршилик кўрсатиш маъносида ишлатиладиган *тап беруё* бирикмасининг фонетик ўзгаришга учраши орқали шаклланган бўлиши мумкин. Бу этнографизм маҳаллий қозоқ тилига қорақалпоқ тили таъсирида ўзлашган. Сабаби қозоқ адабий тилида бундай этнографизм мавжуд эмас.

Қозоқ халқининг қадим замонлардан келаётган дастурларидан бири бу – янги тушган келинчакнинг юзини ҳеч кимга кўрсатмасдан, юпқа мато билан ёпиб олиб келиш. Келинчакнинг юзини доимо ўраб-буркаб қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун унинг юзини очиш керак бўлган. Бу дастурни *беташар* деб аташади. *Беташар*ни айтган кишига совға сифатида пул ёки мато беришади. Бу совғани маҳаллий қозоқлар *айтымал* деб номлашади. Келиннинг юзини очиш дастури ўзбекларда *келин салом*, қорақалпоқ ва қозоқ халқларида *беташар* деб аталади.

*Көримлик* – келинчакни, куёв йигитни ёки дунёга келган чақалоқни илк марта кўрсатган одамга бериладиган совға<sup>18</sup>. Масалан: *Бет ашу ақы-көрімдік, Халық әдеті болған соң. Неке қыяр* – уйланган ёшлар никоҳини ўтказиш дастури билан боғлиқ қўлланиладиган этнографизм. Масалан: *Жұптылық неке қиылмақ, Бұйрығы Хақтың деген бар*.

*Кийит* – бу келиннинг оила аъзолари томонидан қудаларга бериладиган сарпо. Қозоқ тилида «*кийит* куда тушиб қалин мол миқдори белгиланиб,

<sup>15</sup> Әдеби жәдігерлер: Махмұт Қашқари. Түрік сөздігі. 20 томдық. Т. IV. – Алматы: Таймас, 2007. – Б. 500.

<sup>16</sup> Қайдаров А.Т. Структура односложных корней и основ в казахском языке. – Алматы: Арыс, 2005. – С.216.

<sup>17</sup> Әдеби жәдігерлер: Махмұт Қашқари. Түрік сөздігі. 20 томдық. Т.IV. – Алматы: Таймас, 2007. – Б.215-216.

<sup>18</sup> Қазақ тілінің түсіндірме сөздігі. Т.V. – Алматы: Ғылым, 1980. – Б. 216.

фотиҳа ўқилгандан сўнг, қиз отасининг куёв томонидан келган бош қудага совғаси»<sup>19</sup> деб изоҳланган. Қозоқ энциклопедиясида эса «қудаларга кетишида бериладиган совға-салом»<sup>20</sup> деб келтирилган. Маҳаллий қозоқ, қорақалпоқ халқларида шу охириги маъносида, яъни қудаларнинг кетишида бериладиган совға маъносида қўлланилади. *Кийим* сўзи ўрнида маҳаллий қозоқлар тилида *сарнай* сўзи қўлланилади. Бу сўз ўзбек тилида *сарпо* шаклида қўлланилиб, тўй эгаларига бериладиган кийим-кечак маъносида қўлланилиши кузатилади. Н.Мирзаев Қашқадарё ўзбекларининг нутқида *сарпә* лексемаси тўйда узокдан келган ва тўёна билан келган меҳмонларга кийдириладиган *тўн* маъносида ишлатилади, деб кўрсатади. *Сарнай* сўзи маҳаллий қозоқ ва қорақалпоқ тилларига ўзбек тилидан ўзлашган.

Ўзбеклар билан аралаш яшаётган қозоқлар тилида *сеп* сўзи мавжуд бўлиб, у қизга бериладиган кўрпа-тўшак, кийим-кечакнинг умумий номи. Қорақалпоғистондаги қозоқлар тилида «қыз жасаўы» деганни билдириб, худудий тавсифга эга ҳисобланади. «Жасаў» маъносидаги *сеп* - қадимги туркий илдизларга эга сўз. Қадимги туркий тилида *septur* (сеп тайёрлашни буюрмоқ), *ol anin gizin septurdi* (ўзининг қизига *жасаў* тайёрлашни буюрди) шаклларида ҳаракат маъноларига эга эканлиги Махмуд Қошғарий луғатида қайд этилган (МҚ, 2,212). А.Жўрабоев *сеп* этнографизми ўзбек тилининг Андижон нутқида қудаларнинг бир-бирига ва қариндошларига берадиган, шунингдек, куёв йигитга аталган кийим-кечаклар, Қашқадарё ўзбеклари нутқида қиз томонидан куёвнинг қариндошлари олдига қўйиладиган совға маъносида ҳам қўлланилади, деб келтиради<sup>21</sup>.

*Тойана* – тўй эгаларига яқин қариндошларининг олиб келадиган совғалари. Бу этнографизм маҳаллий қозоқлар тилига ўзбек тили таъсирида ўзлашган. А.Жўрабоев ўзбек тилида *тўёна* атамаси икки маънода қўлланишини кўрсатади: 1) тўй куни куёв томонидан келин билан унинг ота-оналарига юбориладиган совғалар; 2) тўй эгаларига яқин қариндошлари олиб келадиган совғалар. «Тўй» атамасига от ясовчи *-она* аффикси қўшилиши орқали ясалган<sup>22</sup>.

*Катқуда* – маҳаллий қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ тилларида тўй-маросимларни бошқариб борувчи ёши улуғ, эл орасида обрўли кишилар билан боғлиқ ишлатиладиган лексема. Бу сўз қозоқ адабий тилида мавжуд эмас. Қорақалпоғистон қозоқлари тилида тўй маросимлари билан боғлиқ шаклланган этнографизмларнинг тарихий илдизлари эрта даврларда пайдо бўлган бўлиб, улар бугунги кунда фаол қўланиши кузатилади. Маҳаллий қорақалпоқ, ўзбек халқлари тилида тўй маросимлари билан боғлиқ ишлатиладиган баъзи этнографизмлар қозоқлар тилига ҳам ўзлашган. Масалан, қозоқ адабий тилида истемолда бўлмаган *тәп берди, айтымал, ел қәде, қыз жыйын, зәңги басар, кепкир кўйди, тойана, сеп* ва бошқа этнографизмлар ҳозирги кунда маҳаллий қозоқлар тилида фаол қўлланиладиган лексемалар қаторидан жой олган.

<sup>19</sup> Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. – Алматы: Ғылым, 1977. – Б. 507.

<sup>20</sup> Қазақстан ұлттық энциклопедиясы. Т. V. – Алматы: Қазақ энциклопедиясы, 2003. – Б. 459.

<sup>21</sup> Жўрабаев А. Ўзбек тилида тўй маросими номлари: филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1971. – Б. 44

<sup>22</sup> Жўрабаев А. Кўрсатилган асар. – Б. 103.

Иккинчи бобнинг учинчи қисми «**Дафн қилиш маросими билан боғлиқ этнографизмлар**» деб аталиб, бунда мархумни дафн қилиш ва унинг кейинги маросимларини ўтказиш дастурлари билан боғлиқ қўлланиладиган этнографизмлар таҳлил қилинди.

Ўликни дафн қилиш қадим замонлардан буён халқ тарихи билан бирга қўлланилаётган дастурлардан бири. Унинг ривожланиш йўллари, унутилган босқичлари белгилари тилимизда сақланиб қолган. Маҳаллий қозоқлар тилида вафот этган кичкина чақалоқ бўлса *шетнеди*, ёш одам бўлса *қырышын кетти*, мерт болды, *шаҳид болды*, *қабир қушты*, *жанбай жатып сөнди*, қари киши бўлса *қайтыс болды*, *ажалы жетти*, *жолы менен кетти* сингари шаклларда ишлатилади. Масалан: *Ажалы жетті соғыста*, **Шәһид** болды көп адам. *Ордасы*, *Құдай ойылсын*, *Қырышын жасы қиылсын*.

Барча мусулмон халқларида мархумни дафн қилиш бир-бирига ўхшасада, уларда ушбу маросимлар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари бор. Бу қисмда *кеўил айтыў*, *даўыс шығарыў*, *аза тутыў*, *аза көйлек*, *азалап барыў*, *азага салды*, *гүзетши*, *топырақ салыў*, *өлиниң артын күтиў*, *намаз*, *пийшембилик бериў*, *жетиси*, *қырқы*, *жүзи*, *жылы*, *қара жамылыў*, *қара тигиў* ва бошқа этнографизмлар таҳлилга тортилди.

*Жоқлаў*. Туркий халқларнинг барчасида деярли вафот этган одамга бағишлаб қайғули кўшиқ сифатида айтиладиган шеър. «Жоқ» сўзи қадимги туркий тилда «қайғу» маъносини билдириб, мархумни дафн қилиш билан боғлиқ дастур ёки вафот қилган одамга бериладиган ош<sup>23</sup> маъносида қўлланилган. А.Н.Кононов қадимги туркий тилдаги *уоқ* сўзининг бир маъноси «қазо, ўлим» эканлигини қайд этган<sup>24</sup>.

*Сүйекке кириў* – қазо қилган одамнинг жасадини ювиб, кафан кийдириш удуми билан боғлиқ этнографизм. Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари қозоқлар ҳам «сүйек» деб мархумнинг танасини тушунишади. Бу сўзнинг иккинчи маъноси одамларнинг қондошлигини билдиради.

Дафн қилиш маросими, асосан, ўзининг қадимий кўринишларини сақлаб қолган бўлсада, у ислом дини тартибларига амал қилган ҳолда ўтказилади. Бундай дастурлар жуда мураккаб бўлиб, унинг асоси дастлаб анимистик тушунчаларга бориб тақалади. Мархумнинг еттиси, қирқи, юзи, йили билан боғлиқ ва бошқа кўпгина урф-одатларни ўзида жамлаган. Дафн қилиш маросими билан боғлиқ Қорақалпоғистон қозоқлари тилида қўлланиладиган этнографизмларнинг аксарияти (*марқум*, *мүрде*, *мәйит*, *табыт*, *кепин*, *ахирет ва бошқалар*) дин билан боғлиқ бўлганлиги боис араб ва форс тилларидан кириб келганлигини кузатамиз.

«**Овқатланиш дастури билан боғлиқ этнографизмлар**» деб номланган иккинчи бобнинг тўртинчи қисмида маҳаллий қозоқлар тилидаги овқатланиш дастури билан боғлиқ этнографизмлар таҳлил қилинган.

Қорақалпоғистон қозоқлари тилида тўй-маросимда йиғилган халққа махсус таом берилади. Бунинг учун мол сўйилиб, овқат тайёрланиб, меҳмонларга ноёб мучалар (аъзолар) берилади. Маҳаллий аҳоли тилида

<sup>23</sup> Өдеби жәдігерлер: Махмұт Қашқари. Түрік сөздігі. 20 томдық. Т.ІV. – Алматы: Таймас, 2007. – Б. 421.

<sup>24</sup> Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв. – Л.: Наука, 1980. – С. 114.

молнинг муча(аъзо)лари билан боғлиқ рамзий маънодаги сўзлар пайдо бўлган. Улар: *бас, жамбас, гарры жилик, асық жилик, тәс, жаўырын, тил, қулақ, көз, қуйрық, баўыр, жүрек* ва шу кабилар.

Қўйнинг энг ноёб аъзоси – бу унинг калласи (боши). Маҳаллий аҳолининг қайси бири бўлса ҳам калла (бош)ни энг ҳурматли меҳмонга беришади. Дастур ва урф-одатлар билан боғлиқ қарашларга мувофиқ калланинг ноёб аъзо сифатида энг ҳурматли меҳмонга тортилиши «бошинг омон бўлсин, яхши ишларга бош бўлинг» деган қарашлардан пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам ўзга туркий ва мўғул халқларига нисбатан бошнинг ноёб аъзо сифатида ҳурмат билан қаралиши қозоқ, қорақалпоқ халқларида яхши сақланиб, асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Янги туққан аёлнинг улуши *қалжа* дейилади. *Қалжа* сўзи қозоқ тилининг изоҳли луғатида «янги туққан аёлга ёки касалдан халос бўлган одамга бағишлаб сўйилган мол гўшти»<sup>25</sup>, энциклопедик луғатда «*Қалжа* – янги туққан аёлнинг улуши. Қадимдан мавжуд бўлган қозоқ урфи бўйича янги туққан аёлга махсус қўй сўйилиб, шўрва ичирилади. Она ва боланинг қувончига қўни-қўшни, овсинлари *қалжа*га таклиф қилинади. *Қалжа* бериш туққан аёлга бўлган алоҳида ҳурматдан пайдо бўлган»<sup>26</sup>, - деб изоҳ берилган. Маҳаллий қозоқлар дастурида «қалжа»ни энди туққан аёлга беришади.

Қорақалпоғистон қозоқлари тилида овқатланиш дастурида чойнинг ўрни алоҳида. Маҳаллий қозоқлар тилида чой бериш дастури билан боғлиқ *келиншай, тәттишай, көңилшай* этнографизмлари фаол қўлланилади. Янги тушган келиннинг овулдаги онахонларга, ёши улуғ ҳурматли овсинларига махсус ёзилган дастурхонда чой қўйиб, хизмат кўрсатиш дастурини *келиншай* деб аталади. Бу дастурнинг вазифаси янги тушган ёш келинни «ўзга муҳит»га одатлантириш, уни янги муҳитга мослаштириб, психологик ҳолатини енгиллаштириш эканлиги маълум.

Қорақалпоғистон қозоқлари тилида «чойга таклиф қилиш» дастурининг яна бир тури *көңилшай* деб номланади. *Көңилшай* дастури - яқин кишиси вафот этганда ёр-биродарлар, ўзаро яқин кишилар, ҳурматли одамларнинг кўнглини кўтариш мақсадида ёзиладиган дастурхон. Чойга таклиф қилиш дастурининг бу тури, одатда марҳумнинг йил ошигача берилади. Бошқа қардош халқлар каби Қорақалпоғистон қозоқлари орасида ҳам овқат-таом билан боғлиқ қўлланиладиган урф-одатлар жуда кўп.

